

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ” ФАКУЛЬТЕТИ

Битирув малакавий иши
имояга тавсия этилди
“Халқаро иқтисодиёт” кафедраси
мудири в.в.б. доц. И.А.Ахмедов

«_____» _____ 2011 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Ривожланган давлатларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий
инқирозига қарши Дастурлари**

Бажарди: “Ташқи иқтисодий фаолият”
факультетининг “Жаҳон иқтисодиёти ва
ХИМ” таълим йўналиши 4-курс талабаси
АБДУЛЛАЕВ САНЖАРБЕК БОБОМУРОД ЎҒЛИ

Илмий рабар: «Халқаро иқтисодиёт»
кафедраси Доц. Б.Т.Бердиёров

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш

I-боб. Глобаллашув шароитида жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти, сабаблари ва хусусиятлари

1.1. Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти

1.2. Молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари

1.3. Молиявий-иқтисодий инқирозларнинг ўзига хос хусусиятлари

II-боб. Ривожланган давлатларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлари

2.1. Ривожланган давлатларнинг инқирозга қарши чоралари

2.2. Америка Қўшма Штатларининг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари

2.3. Европа Иттифоқидаги мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари

III-боб. Жаҳон молиявий инқирозининг ривожланган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнига таъсирини бартараф этиш бўйича устувор йўналишлари

3.1. “Катта саккизлик” аъзоларининг глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитидаги дастурлари

3.2. Ривожланган давлатларнинг инқирозга қарши чоралари доирасида олиб бораётган сиёсатлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Инсоният тараққиётининг озирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва менат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради. Бироқ, глобаллашув жараёни ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

Бундай шароит мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши олдида янги талабларни қўймоқда ва уни таъминлашнинг самарали воситаларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат”.¹

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоиятлари айнан иқтисодиётнинг турли даражаларидаги ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислоотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий оқибатлари билан дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатган 2009 йил бизнинг мамлакатимиз учун ам ғоят қийин бўлди. Шунга қарамай, укуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ва аамияти катта бўлди.²

Шу билан бирга озирги мураккаб шароитда иқтисодиётни ривожлантириш, Ривожланган давлатларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирларини ўрганиш долзарб масалалар бўлиб, улар ушбу битирув малакавий ишда ўрганилади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади жаҳон молиявий инқирози шароитида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва ривожлантириш йўналишларини ўрганишдан иборатдир. Мақсадга эришиш йўлида илмий изланиш олдига қуйидаги вазифалар кўйилди:

**** Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти**

**** Молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари**

**** Молиявий-иқтисодий инқирозларнинг ўзига хос хусусиятлари**

**** Ривожланган давлатларнинг инқирозга қарши чоралари**

****Америка Қўшма Штатларининг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари**

****Европа Иттифоқидаги мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари**

²Нодиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ўофуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 28 январ ва 2010 йил 30 январдаги маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010

****“Катта саккизлик” аъзоларининг глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитидаги дастурлари**

****Ривожланган давлатларнинг инқирозга қарши чоралари доирасида олиб бораётган сиёсатлари**

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб , ривожланган давлатларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлари жараёни, устувор йўналишлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлардир тадқиқотнинг предмети исобланади.

Тадқиқотнинг методологик асослари - Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятга тегишли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Макамасининг қарорлари, Президент И.А.Каримов асарлари, жаҳон тажрибасида қўлланилаётган илмий ёндашувлар, иқтисодчи олимлар амда мутахассисларнинг тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан амалга оширган илмий тадқиқотлари.

Тадқиқот натижаларининг илмий жихатдан янгилик даражаси. Ушбу битирув малакавий ишида жаҳон молиявий инқироз шароитида ривожланган давлатларнинг ривожланиш хусусиятлари ва тартибга соиш йўналишлари талхил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи. Ушбу битирув малакавий иш натижаларидан мамлакатимизнинг экспорт салоиятини ошириш орқали жаҳон хўжалик тизимида интеграциясида, ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ва мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, шунингдек “Халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Жаҳон иқтисодиёти”, “Халқаро савдо” каби махсус фанлардан маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Битирув малакавий иши тузилиши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати амда иловалардан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Битирув малакавий ишида инқироз шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг олати, уни ривожлантириш муаммолари ва асосий йўналишлари талил этилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, назарий ва амалий аамиятга эга хулоса ва таклифлар берилган.

I-боб. Глобаллашув шароитида жаҳон молиявий инқирозларининг моҳияти, сабаблари ва хусусиятлари

1.1. Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти

“Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси - бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат”.

И.А.Каримов

Инсоният тараққиётининг озирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва менат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи исобланиб, янги имкониятларни очиб беради. Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири исобланиб, бугунги кунда рўй бераётган

молиявий инқироз ам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати исобланади.

Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтилган.

«Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик олатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати алоқатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»³.

Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови исобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидаги янги молиявий «масулот» исобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзуллик олатлари этимоллигини оширди.

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

АҚШ иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арзон кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал захира тизими (ФЗТ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. Кредитларнинг қимматлашуви аолини ипотекага нисбатан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг қисқаришига олиб келди. Бошқа томондан, озиқ-овқат масулотлари ва энергия ресурслари нархларининг ўсиши аолининг кредитни қайтариш бўйича молиявий имкониятларининг чекланишига олиб келди. 2000-2007 йиллар мобайнида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат масулотларининг нархи ўртача икки баробарга ошди, бензин нархи эса 3,5 баробарга ошди. Нефть нархи рекорд даражада, яъни бир баррели 147 доллардан ортди.

Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш олати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга кўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Британиянинг нуфузли газеталаридан бири бўлган «Гардиан» жаҳон молиявий инқирозининг асосий айбдорлари рўйхатини эълон қилди. Мазкур рўйхатнинг олдинги ўринларида АҚШнинг таниқли сиёсатчилари ўрин олган бўлиб, унда инқироз фақатгина иқтисодиёт ривожланишининг навбатдаги аракатлантирувчи кучи эканлиги таъкидлаб ўтилган.

1.2. Молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари

Аксарият молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий инқирознинг ақиқий сабабларидан бири сифатида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни аддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсатининг «меваси» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ам изоламоқдалар.

Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ажми ўртасидаги муносаббатларнинг кескин бузилиши исобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим. Бироқ, миллий иқтисодиётларнинг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал қилишига ам ўз таъсирини ўтказиб, дастлаб айрим мамлакатлар, масалан АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилишнинг заифлашувига, кейин эса уни умуман эътиборга олмасликка қадар олиб келди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларига қадар амал қилиб келган жаҳон валюта тизимлари пулларнинг олтин ёки товар мазмунини таъминлаш орқали иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигига замин яратди. Бироқ, жаҳон амалиётида 1976 йилдан бошқариладиган, сузиб юрувчи валюта тизимига ўтгач, пулнинг олтин мазмуни йўқолиб, асосан АҚШ доллари етакчи валютага айлангач, унинг муомалага чиқарилишини назорат қилиб бўлмай қолди. Кейинги йилларда глобаллашув жараёнининг жадаллашуви таъсирида халқаро иқтисодий алоқаларда қатъий валютага бўлган талабнинг янада кучайиши АҚШ томонидан еч қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқарилиш жараёнини янада тезлатиб юборди.

Маълумотларга кўра, муомаладаги пул массаси (нақд, кредит пуллар ва турли тўлов воситалари)нинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ажмидан деярли 10 баравар, агар пулнинг айланиш тезлигини ам исобга олинса, муомала учун зарур бўлган пул миқдоридан, яъни пулга бўлган талабдан бир неча ўн баравар кўпайиб кетганлигини англатади.

Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатишган қуйидаги салбий олатлар ам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабабларидан исобланади:

- нораціонал пул-кредит сиёсатини, амда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик олатга айланиши;

**молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги муносаббатларнинг кескин бузилиши;

**қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;

**молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;

**молиявий рағбатлантириш услуби сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;

**юқори рискли ва мураккаб осилавий қимматбао қоғозларни вужудга келиши ва оказо.

Кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги ва салбий ташқи савдо сальдосининг кузатилаётганлиги жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келишининг асосий омилларидан бири исобланади (1-жадвал).

**Дунёнинг айрим мамлакатлари ташқи савдо сальдосидаги ўзгаришлар
(млрд.АҚШ долл.)**

Мамлакатлар	1996 йил	2007 йил
Ривожланган мамлакатлар, жами	46,2	-798,8
АҚШ	-120,2	-854,7
Япония	65,4	81,0
Европа Иттифоқи	88,5	-228,0
Бошқалар	12,5	202,2
Ривожланаётган мамлакатлар, жами	-87,5	509,7
Хитой	7,2	562,0
Яқин Шарқ ва Африка	5,9	311,0
Бошқалар	-100,6	-363,3

Манба: Б.Ю.Ходиев ва б. “ЎзР Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

1-жадвалдан кўринадикки, 1996 йилда ривожланган мамлакатлар иссасига 46,2 млрд. доллар ажмдаги ижобий ташқи савдо сальдоси тўғри келган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 798,8 млрд. доллар ажмдаги салбий сальдони, яъни тақчилликни ташкил қилган. Аксинча, бу даврда ривожланаётган мамлакатларда бутунлай тескари манзара кузатилиб, уларнинг 87,5 млрд. долл. ажмдаги салбий ташқи савдо сальдоси 509,7 млрд. долл. ажмдаги ижобий ташқи савдо сальдосига айланган.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилган бундай номутаносиблик олатлари, яъни ривожланаётган мамлакатлар савдо балансида ижобий сальдо ўсаётган шароитда айрим ривожланган мамлакатлар ташқи савдо балансидаги йирик миқдордаги тақчилликнинг вужудга келиши дунё мамлакатлари валюта захираларининг ўзгаришига олиб келди. Хусусан, кейинги йилларда Хитой, Япония, Яқин Шарқ мамлакатлари валюта захиралари кескин ўсди. Маълумотларга кўра, сўнгги пайтларда халқаро валюта захираларининг 3,4 трлн. доллари, яъни жами захираларнинг қарийб 59% Осиёнинг 10 та йирик мамлакати иссасига тўғри келмоқда.

Аксарият халқаро экспертларнинг эътироф этишларича, АҚШнинг жаҳон ЯИМнинг асосий истеъмолчиси эканлиги жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқишига фаол таъсир этган. Маълумотларга қараганда, АҚШнинг жаҳон ЯИМни ишлаб чиқишдаги иссаси 20% ни ташкил қилсада, унинг истеъмолидаги иссаси қарийб 40%ни ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи миқдорининг ўсиб борганлиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги инқирозни кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди (2-илова).

2-иловадан кўриниб турибдики, кейинги 4 йил мобайнида хусусан, АҚШ ва айрим Мустақил давлатлар амдўстлиги давлатлари (Қирғизистондан ташқари) ташқи қарзларининг ялпи ички масулотларига нисбатан салмоғи ортиб борган. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташқи қарзларининг ялпи ички масулотга нисбатан салмоғи қарийб 90% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россияда 37% ни, Қозоғистонда 102% ни, Украинада 64% ни ташкил этган. Қирғизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб 2008 йилда 81% ни ташкил қилган.

1.3. Молиявий-иқтисодий инқирозларнинг ўзига хос хусусиятлари

XX ва ХХИ асрларда жаҳон иқтисодий ривожланишига иккита янги олатлар таъсир кўрсатди. Биринчидан, конъюнктура ўзгаришларини тартибга солишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсат тизими аста-секин шакллантирилди. Иккинчидан, жаҳон иқтисодий тузилмасида молиявий (акциядорлик капитали институтининг, капитал, валюта, қимматли қоғозлар ва уларнинг осилалари бозорлари тизимларининг шаклланишида ифодаланувчи) соа кескин ўсди. Жаҳон иқтисодиётининг мазкур соасининг ривожланиши натижасида молиявий операциялар ажми моддий неъматлар билан иқтисодий операциялар ажмидан анча ортиб кетди.

Бозор механизмининг амал қилишида даврий такрорланувчи инқирозлар ўзининг намоён бўлиш шакллари аста-секин ўзгартирди. Агар саноатлаштириш даврида молиявий бузилишлар (банкларнинг касодга учраш шаклида) асосан кейинги саноат пасайишларига олиб келган бўлса, саноатлаштиришдан кейинги даврда бундай яққол кетма-кетлик ўз шаклини ўзгартира бошлади. Молиявий соа шунчалик йирик кўламга эришдики, бу уни ўз қонуниятлари бўйича ривожланувчи нисбатан мустақил иқтисодий блокка айлантирди. Хусусан, молиявий соани устун равишда ва ишлаб чиқариш соасини нисбатан камроқ қамраб олувчи инқирозлар келиб чиқди. Молиявий хўжаликнинг бундай “мустақиллиги” молиявий бузилишларнинг ам нисбий “мустақиллигини” келтириб чиқарди.

Замонавий молиявий инқирозларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг бир вақтда бир нечта мамлакатларда пайдо бўлиши ва минтақа бўйлаб тез тарқалишидан иборат. Молиявий “эпидемия”нинг хусусияти шундаки, улар атто мамлакатларнинг молиявий бозорлари иқтисодий жиатдан ўзаро кам боғланган вазиятда ам тарқалиш имкониятига эга бўлади. Бу энг аввало, молия бозорлари шаклланаётган мамлакатларга тегишли. Бир мамлакатдаги инқироз бошқа ўхшаш макроиқтисодий шароитларга эга мамлакатларнинг валюталарига чайқовчилик ужумлари учун туртки бўлиши мумкин.

Мавжуд шароитларда жаҳон иқтисодиётида энг катта салмоққа эга мамлакатларнинг – АҚШ, Хитой, ЕИ мамлакатларининг иқтисодий олати алоида аамиятга эга. Кўпгина иқтисодчилар АҚШнинг савдо ва тўлов балансларининг олати этимолий жаҳон молия инқирозига сабаби бўлиши мумкин деб исоблайдилар: сўнгги вақтда савдо балансининг улкан салбий қолдиғи бошқа манбалар бўйича валюта оқими билан зўрға қопланмоқда. АҚШ кредитор-мамлакатдан қарздор-мамлакатга айланди. Бунда асосий муаммо умумий хорижий мажбуриятлар ажмининг активлар ажмидан ортиқлигидан эмас, балки бошқа мамлакатлар олдидаги ликвид долларли мажбуриятлар ва давлатнинг олтин-валюта захиралари ўртасидаги нисбатнинг кескин ёмонлашишидан келиб чиқади.

1998 йилдаги молиявий инқироз энг янги тарихда иккита энг муим сабоқни ўзлаштиришга ёрдам берди. Биринчидан, салбий тўлов баланси шароитида бюджет узилиши узоқ вақт катта бўла олмайди. Яққол ёки яширин камомад эртами-кечми маркоиқтисодий беқарорликка олиб келади. 1998 йилнинг ақиқий ижобий натижаси қарз пирамидаси ўсишининг тўхташидир, у укуматнинг жалб қилинаётган маблағларнинг нотўғри ишлатилиши сабабли эртами-кечми барибир барбод бўлар эди. Иккинчидан, фақат давлатга ишониш керак эмаслиги бутунлай ойдинлашди. Девальвация кечикканлигига қарамай иқтисодиётни анча қўллаб-қувватлади. Кўпгина тармоқларда хорижий рақобатчиларга таслим бўлиш арафасида турган корхоналар хорижий масулотнинг кескин қимматлашиши каби “совға”га эришди. Бунинг натижасида ютиб олинган вақтни кўпчилик қайта қуролланишга ва ички бозорда ўз мавқеини мустакамлашга сарфлади.

1998 йилнинг август инқирози кўп жиатдан 90-йиллар бошида ғарбий мутахассислар томонидан “карахт усули билан даволаш”ни ўтказиш керак деган маслаатининг амалий ифодасига айланди. Инқироз оқибатларидан бири бюджет сиёсатининг кескин кучайтирилиши бўлди. Шундан бери камомадсиз ёки кам камомадли бюджетни қабул қилиш укуматнинг “мулойимлик меъёри”га айланди.

Инқироз ХВФ учун ам катта сабоқ бўлди, унинг сиёсати ўтиш иқтисодиётли мамлакатлардаги самарасизлиги учун қаттиқ танқид қилинди. Натижада 90-йиллар охирида халқаро молиявий ташкилотлар ўз ишлаш тамойилларини қайта кўриб чиқдилар. Уларнинг молиявий ёрдамлари барча муаммолардан имоё сифатида қабул қилиш мумкин эмаслиги – у фақат заиф миллий иқтисодиётдаги молиявий муаммоларни кечиктиришга кўмаклашиши ва укуматларга зудлик билан ислоотлар ўтказмаслик имкониятини бериши расман тан олинди.

2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозини чуқур тушуниш ва унинг оқибатларини башорат қилиш учун аввалги молиявий инқирозларни ўрганиб чиқиш ва бизнес амда активлар қиймати пасайишининг асосий соаларини аниқлаш зарур бўлади (1-илова).

Инқироз дастлаб АҚШда юқори қалтисликка эга субприме туридаги ипотека кредитлари тизимида рўй берди. Бир неча йиллар мобайнида АҚШда ушбу кредитларни бериш ажми муттасил ўсиб, қарз олувчиларга бўлган талаблар эса пасайиб борди. 2007 йил бошида ипотека бозорида муаммолар кескинлашиб кетди, субприме кредитлари бўйича дефолтлар ва тўлаш муддатини ўтказиб юбориш олатлари кескин кўпайиб кетди. Шу билан бир вақтда кўчмас мулк бозорида нарлар тушиши рўй бериб борди.

2007 йил ёзида ипотека инқирози молиявий бозорларга ўтди. Етакчи банклар балансида ипотека кредитларининг осиласи бўлган кўп миқдордаги мураккаб қарз инструментлари мавжудлиги аниқланди. Ушбу активлар ноликвид активларга айланиб, уларнинг қийматини аниқлаш имкони бўлмади. Ипотека активлари бўйича кенг кўламли исобдан чиқаришлар жаҳон молия тизимида ликвидлилик камомадига олиб келди, банклар бири-бирига қарз бермай қўйди. Инқироз янги бозорларни қамраб ола бошлади: юқори таваккалчиликка эга ипотекадан оддий, кейин эса, истеъмол кредитларига, кўчмас тижорат мулкига ва ниоят, корпоратив секторга ёйилди.

Бозор иштирокчилари асосий сабаб сифатида АҚШдаги сўнгги Америка иқтисодиётининг рецессияга макумлигини исботловчи воқеаларни келтирмоқдалар.

Шу ўринда рецессия тушунчасига аниқ изо бериш лозим деб исоблаймиз. Энг кенг тарқалган фикрларга кўра, рецессия – бу йилнинг иккита кетма-кет чораги мобайнида мамлакат ЯИМ ажмининг пасайиши кайд этилган вазият. Бошқа таъриф 6-12 ой давом этаётган ва иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларида кузатилаётган менат унумдорлигининг, фойданинг, савдо фаоллигининг ва бандлик даражасининг жиддий пасайиши каби омилларга асосланади. Ушбу таъриф озирги кунда АҚШда рўй бераётган одисаларга мос келади.

Америка иқтисодиётининг асосий муаммолари – кўчмас мулк ва кредитлаштириш соасидаги муаммолар, қатор компанияларнинг молиявий йўқотишлари, инфляция хавфи ва катта ташқи қарздор. Бу омиллар қанчалик муим бўлмасин, улар рецессия ёки иқтисодий инқироз бошланганидан далолат бермайди. Ўз навбатида менат унумдорлиги ва истеъмол каби муим кўрсаткичлар унчалик пасаймаган.

АҚШ иқтисодиёти бошдан кечираётган қийинчилик иқтисодий циклнинг қуйи нуқтаси бўлиши мумкин. Аср бошида рўй берган ИТ пирамидасининг барбод бўлиши натижасида АҚШда рецессия деб аталган олатнинг бошланиши узоққа чўзилмади. АҚШ тезда ўз иқтисодий ва сиёсий позицияларини мустакамлаб олди. Айрим жойларда доллар курсининг кўтарилиши инвесторларда америка валютаси ўрнини боса олувчи воситаларнинг йўқлигини кўрсатади.

Яна бир қизиқарли жиат – кўпгина мутахассислар фикрича жаҳон иқтисодиётининг янги лидерлари деб баоланаётган индистон ва Хитой фонд бозорларидаги пасайишлар бу мамлакатларнинг жиддий зарбаларга бардош бера олмаслигини ва АҚШ билан рақобат қила олмаслигини кўрсатади.

II-боб . Ривожланган давлатларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлари

2.1. Ривожланган давлатларнинг инқирозга қарши чоралари

АҚШда 2007 йилда бошланган инқироз пулни қайтаришга лаёқати бўлмаганларга ам кредит берилавериши оқибатида пайдо бўлди. Ипотека инқирози 2006 йилнинг охирида, уй-жой учун олинган кредит маблаларининг оммавий равишда қайтарилмаганлиги сабабли бошланди ва тез орада аввалига Америка молиявий секторига, кейин еса бошқа мамлакатларга ёйилди. Аксарият компаниялар банкрот бўлди ёки жиддий зарар кўрди, бу еса кредитлаш ажмининг кескин қисқаришига ва Америка иқтисодиётининг инқирозга учрашига замин тайёрлади. Молиявий инқироз таъсирида АҚШда кўчмас мулк нархи кўтарилмади, янги уй қуриш суръати еса кескин пасайиб кетди. Молиявий ва қурилиш секторлари билан болиқ Америка фонд бозори 2007 йилнинг иккинчи ярми давомида пастга «шўниб» борди.

XXI асрнинг дастлабки йилларида ипотека компаниялари фоиз ставкаларини тушириш ва яна бошқа йўللар билан миждозларни жалб етиш учун аракат қила бошладилар. аттоки кам даромадли оилаларга ам уй-жой кредитларини бериш бошланди. Аср бошида бундай кредитлар ипотека бозорининг 12 фоизини қамраб олган бўлса, 2007 йилда 23 фоизга йетди. Аммо кредит олувчилар орасида олинган пулни қайтармайдиганлар ам кўп еди. 2007 йилгача АҚШда кўчмас мулк нархи доимий равишда ошиб борди ва бу ипотека кредитлари бозорини мустакам ушлаб турди. Америкаликлар орасида шундай инвеститсион услуб тарқалганди - ипотека кредити евазига уй сотиб олиш ва вақт ўтгач, уни қимматроқ нархда сотиш. Бундай савдодан яхшигина фойда олаётган кредит-ипотека ташкилотлари бор имкониятларини ишга солиб, кредит олувчилар сонини оширишга киришдилар. Улар аттоки кредит олувчининг қарзни тўлай олиш лаёқатига ам ётибор бермай қўйдилар. Айрим оларда кредит миқдори сотиб олинаётган уй нархидан ам кўпроқни ташкил қиларди. 2004 йил бошида Америка ипотека кредитлари фоизи билан болиқ Лондондаги банклараро

кредитлаш фоизи кўтарилиб кетди. Катта фоиз тўлаш оқибатида бундай услубдан воз кечишга киришилди. Америка кўчмас мулк бозоридаги кўтарилиш тўхтай бошлади ва уй-жой нархи тушиб кетди. Қарздорлар қарзларини қайтариш учун уйларини сотишга мажбур бўлдилар. Оммавий равишда уй-жойларнинг сотилиши еса кўчмас мулк нархини тушириб юборди ва кўчмас мулк бозоридаги акциялар нархи кескин туша бошлади.

Инқирознинг дастлабки қурбони Америкадаги йирик ипотека компанияларидан бири исобланган New Сентурй Финансиал Сорп. бўлди. 2006 йилнинг мартада унинг қарзлари шу даражага йетдики, компания кредит беришни тўхтатди ва акцияларини фонд биржасидан олишга мажбур бўлди. Ипотека облигацияларига ега бўлган бошқа компаниялар ам шу тарзда инқирозга учрай бошлади.

Ипотека инқирозининг асосий иштирокчилари сифатида Федерал миллий ипотека ассотсиацияси (Фанние Мае) ва Федерал уй-жой ипотека кредити корпорацияларини (Федерал оме Лоан Мортгаге Сорпоратион) айтиб ўтиш мумкин. Бундан йетмиш йил илгари АҚШ Конгресси томонидан ташкил етилган бу компаниялар акциядорлик компаниялари бўлиб, укумат томонидан қўллаб-қувватланади. Уларнинг вазифаси кредиторлардан ипотека кредитларини сотиб олиш ва шу йўл билан янги кредитлар беришга имконият яратишдир. Аммо бу компаниялар кафолатсиз кредитларни сотиб олмадилар ва кредиторлар акцияларини бошқа инвесторларга (асосан арбий Йеуропа ва Шарқий Осиё) сотишга мажбур бўлдилар. Бу еса инқирознинг дунёвий миқёсда авж олишига олиб келди.

2008 йилнинг баорига келиб АҚШдаги молиявий компаниялар катта зарар кўрганликларини еътироф етишди. Икки йил илгари бошланган ипотека инқирози Американинг «Катта бешлик» деб аталувчи банклар гуруига кирувчи Беар Стеарнс банкини биринчи бўлиб «синдирди». Голдман Сачс, Леман Бротерс, Меррилл Лйнч ва Морган Станлей банклари еса учликка айланди - Леман Бротерс банкрот деб еълон қилинди, Меррилл Лйнчни еса Банк оф Америса банки икки баравар арзонга - 50 миллиард

долларга сотиб олди. Бундан ташқари, Америсан Интернатионал Групп суурта компанияси еса молиявий қийинчиликлардан қутулиш учун 85 миллиард доллар ёрдам пули олишга мажбур бўлди.

Ўтган ҳафтада Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) жаҳон молиявий инқирозига қарши тура олиш учун қашшоқ мамлакатларга ёрдам бергани кўшимча 150 миллиард доллар кераклиги ақида билдирди. Бу ақда ХВФ рабари Доминик Стросс-Кан маълум қилди.

Унинг айтишича, молиявий инқироз мамлакатлар иқтисодиётига қутилганидан кўра кўпроқ таъсир ўтказган. 2008 йил охирида ХВФ бир қатор мамлакатларга 50 миллиард доллар кредит ажратганди. озирда Йевропа ва Осиёнинг яна бир нечта мамлакатларига кредит ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

ХВФ инқироз оқибатида жаҳон иқтисодиёти 1,4 триллион доллар зарар кўришини тахмин қилганди. Ендиликда еса бу рақамнинг янада ошиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Голдман Сачс инвеститсион банкининг исоб-китобига қараганда еса, ипотека инқирози оқибатида жаҳон иқтисодиёти 1,2 триллион доллар зарар кўради, бунинг 460 миллиард доллари Америка молиявий компаниялари исобига тўри келади. Шунингдек, экспертлар молиявий инқироз узои билан уч йил давом етишини тахмин қилмоқдалар.


Жаҳон иқтисодиётида қузатилган бундай номутаносиблик олатлари, яъни ривожланаётган мамлакатлар савдо балансида ижобий сальдо ўсаётган шароитда айрим ривожланган мамлакатлар ташқи савдо балансидаги йирик миқдордаги тақчилликнинг вужудга келиши дунё мамлакатлари валюта захираларининг ўзгаришига олиб келди. Хусусан, кейинги йилларда Хитой, Япония, Яқин Шарқ мамлакатлари валюта захиралари кескин ўсди. Маълумотларга кўра, сўнгги пайтларда халқаро валюта захираларининг 3,4 трлн. доллари, яъни жами захираларнинг қарийб 59% Осиёнинг 10 та йирик мамлакати иссасига тўғри келмоқда.

Аксарият халқаро экспертларнинг эътироф этишларича 2007 йилда АҚШ ипотека бозорларида бошланган инқирознинг авж олиши ва уни жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқишига фаол таъсирини АҚШнинг жаҳон ялпи ички масулотининг асосий истеъмол қилувчиси исобланганлигини келтириб ўтишади. Маълумотларга қараганда, АҚШнинг жаҳон ялпи ички масулотини ишлаб чиқишдаги иссаси 20% ни ташкил қилсада, унинг истеъмолидаги иссаси қарийиб 40%ни ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи миқдорининг ўсиб борганлиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги инқирозни кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди (1.1-расм).

1.1-расмдан кўриниб турибдики, кейинги 4 йил мобайнида хусусан, АҚШ ва айрим Мустақил давлатлар амдўстлиги давлатлари (Қирғизистондан ташқари) ташқи қарзларининг ялпи ички масулотларига нисбатан салмоғи ортиб борган. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташқи қарзларининг ялпи ички масулотга нисбатан салмоғи қарийиб 90% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россияда 37% ни, Қозоғистонда 102% ни, Украинада 64% ни ташкил этган. Қирғизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб 2008 йилда 81% ни ташкил қилган. **2.1-расм**

Жаҳондаги айрим давлатлар ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси, фоизда



Манба: : Б.Ю.Ходиев ва б. “ЎзР Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида ижобий тенденция кузатилмоқда. Яъни, амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсат натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички масулотдаги салмоғи 2005 йилдаги 29% дан 2008 йилда 13,3% га қадар қисқарган.


озирда кўплаб мутахассис ва экспертлар томонидан жаҳон молиявий инқирозининг глобал тус олиши ва иқтисодий инқироз жараёнларининг кучайиши рецессия ва иқтисодий пасайишни, инвестицион фаоллик кўлами чекланиб боришини, талаб ва халқаро савдо ажмининг камайиши амда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайганлиги кузатилган. 2009 йилда жаҳон ялпи ички масулотининг пасайиши, бевосита хорижий инвестициялар кўламининг янада пасайишини кузатилиши амда халқаро савдо ажми қарийб 15% га пасайиши этимол қилинмоқда. Бу олат эса ишсизлик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

XX асрнинг охирларида бошланган ва озиргача давом этиб келаётган бозорларнинг глобаллашуви, капиталлар халқаро аракатининг эркинлаштирилиши натижасида АҚШ бозорларида вужудга келган инқироз дунёнинг бошқа мамлакатларига ам кенг ёйилди. АҚШ банклари ва ипотека агентликларининг қимматли қоғозларига қўйилма қилинган хорижий инвесторлар молиявий олатига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида дунё мамлакатлари иқтисодиётига ам ўз таъсирини ўтказди. АҚШ молия бозорларидаги инқироз жаҳоннинг йирик фонд бозорларидаги конъюнктурага таъсир қилди ва бу ўз навбатида мазкур бозорлардаги фонд

индексларида (С&П, Dow-Жонес, Насдак, ФТСЕ, САС, ДАХ, Никкеи, англ. Сенг, Шангаи композит, РТС, ММВБ ва б.) ўз аксини топди. Глобал молиявий бозорнинг асосий таркиби ва жаҳоннинг асосий молиявий марказлари исобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг ўсиш суръатлари кейинги йилларда аамиятли даражада пасайиб кетди (2.3-расм).

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари



2.3-расм: : Б.Ю.Ходиев ва б. “ЎзР Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш суръатларида кескин ўзгариш содир бўлган. Инқироздан жиддий азият чекаётган Буюк Британия ва Германияда 2009 йилда ялпи ички масулотни ишлаб чиқаришида 2008 йилга нисбатан 0,1% ва 0,2% га пасайиш кутилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон молиявий инқирозига ибтидо ясаган АҚШ ипотека кредит бозоридаги тангликнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагилар эътироф этилмоқда

- ностандарт кредитлар ажмининг ортиши;
- молиявий рецессия шароитида юқори рискли (ишончсиз) қарз олувчилар ўртасида кредитни қайтармаслик олатлари сонининг ортиши;
- кўчмас мулкка инвестиция қилиш мақсадида олинган ипотека кредитлари ажмининг ўсиши;
- кўчмас мулк баосининг пасайиши ва ипотека кредитларининг гаров таъминотининг ёмонлашуви;

Кредиторлар томонидан ностандарт кредитларга бўлган ўсаётган талабни қондириш мақсадида қисқа муддатли юқори даромадли ипотека қимматли қоғозларини муомалага чиқариш орқали молиявий ресурсларни шакллантирилиши;

– Фанние Мае ва Фреддие Мас ностандарт кредитлар бозорини рағбатлантиришдаги фаоллиги;

– ностандарт ипотека қимматли қоғозлари жозибадорлигининг пасайиши;

– рейтинг агентликлари томонидан ностандарт кредитлар рискинни паст баоланиши ва бундай кредитлар билан таъминланган қимматли қоғозларга юқори рейтинг берилиши.

2.2.Америка Қўшма Штатларининг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари

Америка Қўшма Штатларининг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари ақида гапирганда Федерал уй-жой ипотека кредитлари корпорацияси (Фреддие Мас) ва Федерал миллий ипотека ассоциацияси (Фанние Мае) хусусида батафсилроқ тўхталсак. Юридик жиатдан бу икки ташкилот укумат омиёлиги остидаги корхоналар (говернмент спонсоред ентерприсес) исобланади. Бошқача айтганда, уларнинг капиталида федерал укуматнинг иштирок этиши, хусусий банкларга уй-жой сотиб олишга берилган кредитлар бўйича укумат кафолати мавжудлигини англатади, яъни зарурат туғилганда давлат ёмон қарзларни қолайди. Бундан ташқари, АҚШ ипотека бозорини бошқарувчи тўлиқ давлат ташкилотлари ам мавжуд бўлиб, уларга Федерал уй-жой маъмурияти (Федерал оусинг Администартион) ва укумат миллий ипотека ассоциацияси (Говернмент Натионал Мортгаге Ассосиатион – Гинни Мае) тааллуқлидир.

- 1996 йилда АҚШда Федерал уй-жой ва шаар тараққиёти Бошқармаси (Те департмент оф оусинг анд Урбан Девелопмент) Фанние Мае ва Фреддие Масга ипотекани молиялаштириш учун мақсадли мўлжални белгилаб берди. Унга мувофиқ, Фанние Мае ва Фреддие Мас томонидан молиялаштириладиган ипотека кредитларининг 42 фоизи удуддаги ўртача даромаддан паст даромадга эга бўлган қарздорларга ажратилиши лозим эди. Бу мақсадли мўлжал 2000 йилда 50 фоизга, 2005 йилда эса, 52 фоизга оширилди. Бундан ташқари, 1996 йилда Федерал уй-жой ва шаар тараққиёти Бошқармаси Фанние Мае ва Фреддие Мас томонидан харид қилинган барча ипотека кредитларининг 12 фоизи удуддаги ўртача даромаднинг 60 фоизидан кам бўлган даромадга эга бўлган қарздорларга берилган кредитлар бўлишини талаб этарди. Мазкур кўрсаткич 2000 йилда 20 фоизга, 2005 йилда эса, 22

фоизга оширилди. 2008 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткич 28 фоиз этиб белгиланган эди⁴


- Ипотека кредитлари бозорига давлатнинг сезиларли даражада аралашуви натижасида “иккинчи навли” (субприме) ипотека кредитлари ажми кескин ошди. Масалан, берилган барча ипотека кредитларининг 17 фоизигина инвестиция сифатида иккинчи, учинчи уйларни сотиб олган молиявий аволи барқарор америкаликларга тўғри келган.
- АҚШ ипотека бозоридаги тангликнинг юзага келишига кредит муассасалари ўртасидаги рақобатнинг кескинлашуви ам ўз таъсирини ўтказган. Чунки ипотека кредити бериш учун қулай вазият вужудга келган эди. Уйларнинг баолари ошиб борар экан, ипотека кредитларини берувчи муассасалар гаров таъминоти ам яхшиланиб борарди, кредит олган томон ам ошган баода уйини сотиб қарзидан қутилишига ишончи комил эди. Бу қулай вазият, кредит муассасаларини мижознинг кредит қобилиятини қаттиқ мониторинг қилмасдан ам кредитлар ажратишга ундар эди.
- Товарлар ва хизматлар баосининг ошиши, қолаверса, АҚШ доллари алмашув курсининг пасайишига қарамай, ФЗТ юмшоқ пул-кредит сиёсатини қўллади ва ўзининг федерал фондлари ставкасини 5,25 фоиздан (2006 йилнинг июн ойидан ўрнатилган эди) қисқа муддат ичида 2 фоизга, ноябр ойидан эса, 1 фоизга туширишга эришди. Бу эса, ФЗТ молия тизимини ликвидлилик билан таъминлашга тайёр эканлигини намоён этди. Таъкидлаш жоизки, паст фоиз ставкалари, ўз навбатида, кредитга бўлган талабни рағбатлантиради.
- Молиявий инқирознинг чуқурлашишини олдини олиш мақсадида Буюк Британия банк тизимининг бир қисмини миллийлаштирди ва келгусида банклараро кредитлар бозорини рағбатлантиришни режалаштирган. Еврозона

⁴ Schwartz A.J. Origins of Financial market Crisis of 2008 // www.federalreserve.com.

мамлакатлари ам ар бир мамлакат капиталлашув даражаси паст бўлган банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш ва уларга қисқа муддатли молиялаштириш муаммоларига кўмаклашиш мақсадида турли миқдордаги пул маблағларини ажратишларига қарамай, Британия моделига эргашган олда аракат қилмоқдалар.

- Бундан ташқари, марказий банклар ликвидлиликни оширишнинг янги усулларини жорий қилмоқдалар. Масалан, АҚШда ФРТ кафолатланмаган қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали хусусий секторни тўғридан-тўғри молиялаш амалиётига ўтди. Шунингдек, Англия банки банклар томонидан муомалага чиқарилган қисқа ва ўрта муддатли қарз мажбуриятларни кафолатлашга қарор қилди.

АҚШ ФЗТ Федерал фондлари ставкасининг динамикаси



манба: [www/sco/org](http://www.sco.org)

Глобал кредит инқироzi натижасида жаҳон иқтисодиёти \$1,2 трлн.

йўқотади», хабар беради «Би-Би-Би Ньюс», Голдман Сачс инвестицион банки томонидан тайёрланган исоботга таянган олда. Бунда глобал

йўқотишларнинг 40 фоизи ёки \$460 млрд.и Америка банклари, брокерлик

компаниялари ва бошқа молиявий институтларига тўғри келади.

Голдман Сачснинг баолашича, Америка молия муассасалари кредит инқироzi бошланганидан буён \$120 млрд. атрофида зарар кўрганлари тўғрисида аллақачон маълум қилишган. Банклар ипотека кредитлари билан таъминланган қимматбао қоғозларга киритилган инвестициялар ортидан жиддий йўқотишларга дуч келишган. Натижада, молия институтлари арзон кредитлар ажмини камайтиришга мажбур бўлишган, бу эса Америка иқтисодиётининг ўсиш суръатларида салбий томонлама акс этган.

Америка банклари, брокерлик фирмалари, хедж фондлари ва бошқа молиявий компаниялар озирча молиявий инқироз туфайли кўрган зарарларининг атиги ярми тўғрисида хабар беришган, дея тахмин қилишаётир Голдман Сачс талилчилари.

«Зарарларни енгиб ўтиш учун Америка кредит ташкилотлари мааллий ва хорижий сармоядорларнинг \$100 млрд.дан ортиқ инвестицияларини жалб қилишган. Голдман Сачс маълумотларига қараганда, бу сумма барча исобдан чиқарилган активларнинг 4/3 қисмини ташкил қилади», дея маълум қилади

2.3 Европа Иттифоқидаги мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари

2008 йилнинг ноябрида Еврокомиссия томонидан иқтисодиётни рағбатлантиришга қаратилган “Иқтисодиётни қайта тиклаш” умумевропа режасини эълон қилди. Ушбу режани амалга ошириш учун 200 млрд. еуродан ортиқроқ маблағ ажратилди. Аъзо мамлакатлар ўзларининг банк тизимларини инқироздан олиб чиқиш учун ўз бюджет маблағлари асосида йирик тижорат банклари акцияларини сотиб олишмоқда. Тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланилмоқда. 2008 йил маълумотларига кўра, инқирозга қарши кураш дастури асосида қилинган харажатлар Буюк Британияда 1,02 трлн. долларни (мамлакат ЯИМига нисбатан 37 %), Германияда 893 млн. долларни (23 %) ташкил этмоқда. Баъзи аъзо мамлакатларда 2010 йилга келиб, ЯИМда 1 % ўсишга эришиш мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Ички талабнинг камайиши ва нефть нархининг пасайиши 2009-2010 йилларда инфляция суръатларининг камайишига сабаб бўлиши кутилмоқда¹.

“Иқтисодиётни қайта тиклаш” режасининг асосий 4 йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Ишчи кучи малакасини амда унга бўлган талабни ошириш. Режа доирасида иш кучи малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш орқали иш билан бандликни ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.
2. Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш. Европа Инвестицион Банки кичик бизнесни қўллаб қувватлаш мақсадида 30 млрд. евро маблағ ажратди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлашдаги маъмурий тўсиқларни камайтириш мақсадида тегишли ваколатли органларга янги тадбиркорлик субъектларини уч иш куни ичида еч қандай харажасиз рўйхатдан ўтказиш мажбурияти юкланди. Микро корхоналар йиллик исобот топшириш мажбуриятидан озод қилинди (исоб-китобларга кўра, микро корхоналар бюджетидан 7 млрд. еврога тенг маблағ тежалади). Хусусий корхоналар учун зарурий бўлган устав фондининг минимал даражаси 1 евро қилиб белгиланди.
3. Инфратузилма ва энергетика секторини ривожлантириш. Европа

Комиссияси томонидан “Трансевропа транспорт тармоғи” лойиаси, иқлим ўзгариши, энергетик хавфсизлик амда инфратузилмани такомиллаштириш лойиаларига қўшимча маблағлар ажратилмоқда. Уй-жой қурилишида энергияни тежовчи мосламалардан фойдаланишни рағбатлантириш, “экологик тоза масулот” ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар бериш ам мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар сирасига киради.

4. Инновацион фаолиятни жадаллаштириш. Бунга кўра 2013 йилгача бўлган даврда илмий-техник салоиятни мустакамлаш учун туб ислоотлар олиб бориш, ИТТКИга ажратмаларнинг ЯИМдаги иссасини 3,0 % гача (озирда 1,9 %) ошириш (1/3 қисми давлат харажатлари, 2/3 қисми хусусий сектор инвестициялари исобидан), Европа умумий тадқиқот ва инновация удудини яратиш кабилар мўлжалланган. исоб-китобларга кўра ИТТКИга ажратмаларнинг 30 % га оширилиши йиллик ЯИМ ўсишига яна 0,5 % исса кўшилишига амда 2010 йилдан сўнг ар йили ўрта исобда 400 минг янги ишчи ўрни яратилишга олиб келади.


Диссертацияда ЕИнинг инвестицион имкониятларини прогнозлаш нуқтаи назаридан 2010-2012 йиллар давомида вазиятнинг уч хил сценарий асосида ривожланиб бориши мумкинлиги аниқланди. Ушбу сценарийларга таъсир қилувчи асосий омиллар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг эволюцияси, глобал таназзул давомийлиги амда иқтисодий чора-тадбирларнинг самарадорлигидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари амда ЕИ иқтисодий-инвестицион имкониятларини кўз ўнгида тутиб, кейинги йилларда ЕИ инвестициялари учун ривожланаётган мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон иқтисодиётининг бир қанча секторларидаги инвестиция имкониятлари жозибадор бўлишини тахмин қилиш мумкин. Бунинг учун ушбу секторларда технологик **инновацияларнинг** қўлланиши, бозор ажмининг кенгайиб бориши, ташкилий тузилмаларнинг ривожланиши, баъзи оларда эса ар учала омилнинг мавжуд бўлиши шарт исобланади.

ЕИ мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари яна бири Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон

кадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиятдан ар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё амжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.⁵

2.3.1-чизма




Манба: **И.А.Каримов** “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”


Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари исобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади

2.3.2-чизма

⁵**И.А.Каримов** “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”




АҚШ укумати иқтисодиётга йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. «Полсон режаси» деб номланувчи режа қабул қилинди. Мазкур режанинг умумий ажми 700 млрд. долларни ташкил қилади.



Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга келишиб олишди. Бу олатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва укумат банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга бўлади.

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари




1-чизма

Манба: **И.А.Каримов** “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари”

Аксарият молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий инқирознинг ақиқий сабабларидан бири сифатида ЕИ мамлакатларда иқтисодиётни аддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсатининг «меваси» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий

иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ам изоламоқдалар

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари



Манба: **И.А.Каримов** “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари”

ЕИ давлатларидан инқирозга қарши чора-тадбирларга Буюк Британия 1020 млрд. доллар мамлакат ЯИМга нисб.

37 % исобида (2008 йил), Германия 893 млрд. доллар -23 % Молиявий харажатлар ажратди. (6-жадвал)

(2.3.4-жадвал)

Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфлаган молиявий харажатлари

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. доллар	Мамлакат ЯИМга нисб. % исобида (2008 йил)
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23

Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Манба: **И.А.Каримов** “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари”

Британия савдо палатаси экспертларининг амада алқаро Валюта Жамғармасининг фикрича 2010 йил Буюк Британияда ЯИМ- 0.2% га пасаяди, ишсизлик кўпаяди . 2009 йилда Буюк Британия премьер –министри Гордон Браун бошчилигидаги укумат иқтисодиётга 30 млрд.доллар миқдорида маблағ ажратди. Буюк Британияда ишсизлик даражаси 2009 йил 6,5%, 2007 йилга нисбатан 1,3% баробар кўп кўрсаткични ташкил этди.Ишсизлар сони 2008 йилда 165 минг кишига кўпайди.

Франция давлати ўз бошидан рецессия олатини кечирмоқда .Бюджет камамади ЕИ башоратига нисбатан 2 баробарига ўсиб кетди. Иқтисодиёт министри Кристиан Лагард томонидан укуматга берилган маълумотларига кўра,бу йилда 0,2-0,5%га ўсиш кузатилиши лозим. Францияда иқтисодиёт 2009 йил ЯИМ кўрсаткичлари -1,8%га қисқарди.

Германия канцлери Ангела Меркель хоним ЕИга антикризис чораларини ишлаб чиқиб таклиф этди.Унга кўра, ЕИда глобал молиявий бозорларни тартибга солувчи механизмни ишлаб чиққан. Немис иқтисодчилари «Хавф-хатар атласи» номли программани таклиф этишиб ва 0,5 триллион еврони иқтисодиётни нормаллаштиришга сарфланмоқда.

2.3.5-жадвал

**Инқирозни бартараф этишга ажратилган
маблағларнинг йўналишлари**

Мамлакат	Кредит маблағларига давлат кафолати		Молиявий институтлар устав капиталларига қўйилмалар		Юқори рискли, шубали активларнинг хариди		Бошқалар		Жами
	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.
Россия	-	-	185	84	11	5	25	11	222
Буюк Британия	393	39	79	8	-	-	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714	20	663	19	394	11	3539
Германия	539	60	177	20	-	-	176	20	893
Япония	303	53	-	-	-	-	237	47	576
Хитой	-	-	-	-	-	-	570	100	570
Жами	3004	44	1155	17	674	10	1951	29	6820

Манба: **И.А.Каримов** “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”

Ушбу статистика маълумотларидан кўриниб турибдики, Буюк Британия ва Германия давлатлари инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишларини Кредит маблағларига давлат кафолати билан тасдиқламоқда.

III-боб. Жаҳон молиявий инқирозининг ривожланган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнига таъсирини бартараф этиш бўйича устувор йўналишлари

3.2. “Катта саккизлик” аъзоларининг глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитидаги дастурлари

Италиянинг Аквила шаҳрида “Катта саккизлик” давлатлари рабарларининг саммити бўлиб ўтди. Г8 - Япония, Канада, Россия, Италия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия каби давлат рабарлари ар йили ёз мавсумида ўзаро кенгашиш учун саммитга йиғилишади. 36 йиллик анъанага айланиб қолган бу йилги учрашувда Силвио Берлускони, Таро Асо, Барак Обама, Гордон Браун, Дмитрий Медведев, Николя Саркози каби давлат ва укумат рабарлари иштирок этишди. Дарвоқе, саммитга дунёнинг ривожланаётган давлатлари амда Африка мамлакати рабарлари ам таклиф этилди.

Аслида “Катта саккизлик” расмий мақомга эга бўлган ташкилот эмас: унинг котибияти ам, бошқарув идоралари ам йўқ. Бундан ташқари Г8 томонидан қабул қилинадиган қарорлар мажбурий кучга эга бўлмай, бор йўғи тавсия характерида. Бироқ саккиз давлат уларнинг муштарак манфаатларига хизмат қилувчи қатъий ва бузилмас тартиб-қоидаларга бўйсунди. БМТ эълон қилган айрим декларациялар қоғозда қолиб кетиши мумкин, аммо Г8 доирасида қабул қилинган ар қандай қарор амалда ижро этилади, гарчи у мажбурий кучга эга бўлмаса ам...

Аквиладаги саммит етакчилари дунё миқёсида қарийб бир йил давомида глобал молиявий-иқтисодий инқирози кузатилаётгандан буён илк маротаба учрашишди. Анжуманда иштирокчилар кўпчилик кутганидек иқтисодий саволлар билан чекланишгани йўқ, кўп томонлама учрашувларда қарийб ўнга яқин ушжат - иқлим ўзгариши, терроризмга қарши кураш, Африкадаги озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига доир ушжатлар қабул қилинди. Уч кунлик саммитда кузатувчилар дунё молиявий-иқтисодий

инқирозига қарши жиддий чоралар кўрилиши кутилганди, аммо якунда бундай бўлиб чиқмади.

Томонлар бугунги иқтисодий кўрсаткичлар мудом ўзгарувчан бўлиб тургани боис жаҳон иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш бўйича ягона стратегия ишлаб чиқа олишмади. Бунга сабаб – етакчи мамлакатларнинг ар бири инқирознинг қайсидир даражасида турганлиги билан изоланди. Шунингдек, Г8 бозордаги вазиятни янада оғирлаштирмаслик мақсадида долларнинг глобал захира валютаси сифатидаги роли муокамасини ам чуқурлаштиришмади.

“Катта саккизлик” аъзоларининг бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида уларнинг мамлакатлари иқтисодиётни тиклаш жараёнига кирган ёки кирмаганлиги ва бу борада келгусида қандай иқтисодий сиёсат олиб бориш масаласида қарашлари кескин фарқланди. Хусусан, Германия канцлери Ангела Меркелнинг айтишича, укумат ва марказий банкларнинг оммавий равишда маблағларни йўналтириши охир-оқибат қарз ва инфляция билан боғлиқ янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Буюк Британия бош вазири Гордон Браун эса бу борада андак бошқачароқ фикрни илгари сурди: бу каби хавотирларга али эрта, озирги олатлар дунё иқтисодиёти инқироздан чиқмаганлигини билдиради, шунинг учун ам укуматлар иқтисодни тиклаш учун маблағларни йўналтиришда давом эттириши лозим.

Россия томони эса бюджетдан ажратилаётган маблағларда этиёткорлик зарур, деган фикрда. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотича, ривожланган Европа ва Америка давлатлари иқтисодининг жонланиши жуда секинлик билан амалга ошади. Якунда саммит рабарлари инқироздан чиқиш ар бир давлатнинг ички иқтисодий шарт-шароитлари ва молиявий аволига боғлиқ, деган хулосага келишди.

Саммитда таклиф этилган Хитой делегацияси диққат-эътиборни Америка доллари глобал халқаро валюта резерви сифатида қанчалик роль ўйнаётганига қаратди. озирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида хориж валюталарининг асосий қисми долларда шаклланган. Бу АҲШга бўлган

иқтисодий қарамликни кучайтирди. Иккинчидан, доллар курсининг тебраниши долларда асосий заирага эга бўлган давлатлар, жумладан иқтисодиёти шиддат билан ривожланаётган Хитойнинг “оёғига болта ургандай” бўлди. Аммо шуни ам унутмаслик керакки, озир бутун дунё кредитлари, экспорт-импорт шартномалари асосан долларда тузилган. Демак, барча исоб-китоблар, олди-бердилар ам долларда бўлиши назарда тутилса, ушбу таклифни амалга ошириш учун бироз вақт керак. Шунинг учун ам саммит етакчилари Хитой укуматининг мавзуни ривожлантиришга имконият беришмади.

озирги даврда инсониятнинг табиатга таъсири кескин даражада ошди. Гигант иқтисодий корхоналар томонидан атмосферага чиқарилаётган заарли газлар инсонлар саломатлигига таъсир этиб қолмай, сайёрамиз миқёсида кескин иқлим ўзгаришларига ам олиб келяпти. Саммитда томонлар иқлим ўзгариши ва зарарли газларни атмосферага чиқаришни камайтириш борасида тарихий мурсага келишди. Хусусан, ривожланган давлатлар ароратнинг икки даражага кўтарилишининг аамиятини англаб етиб, 2050 йилгача зарарли газларнинг атмосферага чиқишини 80 фоизга қисқартиришга адлашди. Эсингизда бўлса, 2007 йилда Г8 гуруининг Германияда ўтказилган саммитида ам Япония, Европа Иттифоқи ва Канада етакчилари томонидан ишлаб чиқариш корхоналарида атмосферага чиқарилаётган заарли газларни 2050 йилга бориб 50 фоизга камайтиришга эришиш ташаббуси илгари сурилиб, бу борада глобал шартнома ишлаб чиқиш бўйича ягона тўхтамга келинганди. Ва ниоят, орадан икки йил ўтиб, жаҳон мамлакатлари кўпдан бери тил топиша олмаётган масала амалий тус олмоқда. Аммо танганинг иккинчи тарафи ам бор. Мутахассисларнинг айтишича, йирик давлатлар ривожланаётган мамлакатлар хавотирларини ам инобатга олиши керак, чунки тилга олинган чоралар уларнинг иқтисодий тараққиётини секинлаштириши мумкин. Иқтисодий ривожланиш, тоза энергия ва чиқиндиларни камайтириш чораларини мувофиқлаштириш лозим. Саммитда таъкидланганидек, иқлим ўзгаришига бир мамлакат айбдор эмас,

муаммо ечими ам бир мамлакат қўлида эмас, уни биргаликда ал қилиш керак. Шунга карамай, атроф-муит муофазаси билан шуғулланувчи ташкилотлар Аквилада келишилган қарорлар етарлимас, демоқда. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун чораларни 2050 йилгача кутмай, эртароқ амалга ошира бошлаш лозим, дейди у. (Эслатиб ўтамыз, иқлим ўзгаришига бағишланган йирик анжуман шу йилнинг декабрида Дания пойтахти Копенгагенда бўлиб ўтади).

Анжуманда биринчи маротаба “Катта саккизлик” сафини кенгайтириш, бошқа давлатларни ам қабул қилиш масаласи қизгин муокамаларга сабаб бўлди. Италия бош вазири Сильвио Берлускони оловга ёғ сачратгандек, глобал муаммоларни муокама этишда Г14 (Г8 ва Хитой, индистон, Бразилия, Мексика, ЖАР ва Миср) анча самарали ва таъсирчан кучга эгалигини таъкидлади. Иштирокчи давлатларнинг айримлари “Катта саккизлик” фаолияти, унга аъзолик масаласида тўхталиб, ташкилот сафига кириш соддароқ бўлиши, янги аъзолар учун эшикларни очиш кераклигини айтишган. Матбуот конференцияси якунида саммит мезбони Г8, Г14 ва Г20 ам турли йўналишлар бўйича ўз фаолиятини олиб боришига ишонч билдирди. Берлускони саммит иштирокчиларини шу йил яна ушбу шаарда қашшоқликка қарши курашга бағишлаб ўтказиладиган анжуманга таклиф этган. Бу иштирокчилар учун кутилмаган ол бўлди, боисики, таклиф қарор сифатида қабул қилинса, “Катта саккизлик” тарихда биринчи маротаба бир йилда икки маротаба саммит ўтказган бўлади. Аквиладаги йиғинда энг самарали қарор сифатида Африкадаги қашшоқ мамлакатлар қишлоқ хўжалик тараққиёти учун 20 миллиард долларлик ёрдам кўрсатишга келишиб олингани бўлди. Маблағ очликка қарши кураш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланади. Давлат рабарлари кенгайтирилган ва икки томонлама учрашувлар чоғида халқаро сиёсатнинг муим масалалари бўйича ам фикрлашиб олишди. Саммитда Эрон масаласи, президент сайловларидан сўнг авж олган намоёниш ва қонли тўқнашувлар ам тилга олинди. Анжумандан олдин “Катта саккизлик” Эронга қарши санкция эълон қилади, деган тахмин бор эди. Бироқ давлатлар қатъий оголантириш

билан

чекланган.

Бугун дунёнинг у ёки бу минтақасида ташкил этилаётган йирик анжуман ва конференцияларда нефть баоси, уни ишлаб чиқариш меъёрлари қизгин басмунозараларга сабаб бўлмоқда. Ушбу саммит ам бундан мустасно бўлмади. Дунё етакчилари 1 баррель нефть баоси 70-80 долларни ташкил этса, бу адолатли нарх бўлиши ақида умумий фикрга келишди. Бу нуқтаи-назар Россия томонидан ам маъқулланди. Аммо анжуманда “қора олтин” нархини шундай диапазонда ушлаб тура оладиган механизм ишлаб чиқиш масаласи эса очик қолди.

Хуллас, уч кунлик саммит давомида иштирокчи давлатлар томонидан юқоридаги каби умумий, баъзида мавум келишувларни инобатга олмаганда, кузатувчилар “машварат” ишчанлик руида ўтганини таъкидлашган. Уларнинг фикрича, бугунги мавжуд глобал муаммоларни бартараф этиш борасидаги ишларнинг бошланиши ёмон эмас. Аммо ютуқлар вақт талаб қилади.

3.2.Ривожланган давлатларнинг инқирозга қарши чоралари доирасида олиб бораётган сиёсатлари

Ривожланган давлатларнинг инқирозга қарши чоралари доирасида олиб бораётган сиёсатлари қуйидагича:

- - банк тизимини қутқариш;
- - пул-кредит сиёсати чора-тадбирлари;
- - реал секторни қўллаб-қувватлаш;
- - аолини қўллаб-қувватлаш.

1. Банк тизимини қутқариш. Унинг асосий мақсади – банк саросимасидан қочиш ва миллий банк-кредит тизимининг инқирозини, бекарорлигини олдини олиш. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- банкларни қайта капиталлаштириш (АҚШ, Германия, Испания, Швейцария, Саудия Арабистони, Қозоғистон);
- б) барқарорлаштириш кредитларини бериш (АҚШ, Европа Иттифоқи, Франция, Италия, Буюк Британия);
- в) банк тизимини қайта таркиблаш чора-тадбирлари (банкларни бирлаштириш ёки миллийлаштириш) (Нидерландия, Исландия, Буюк Британия, Ирландия);
- г) фоиз ставкасини қарийб нолгача пасайтириш (АҚШ, Япония);
- д) банклардаги жисмоний шахсларнинг омонатларини 100 фоизгача кафолатлаш;
- е) банклар балансини тозалаш чоралари (муаммоли активларга давлат кафолатини бериш) (АҚШ, Канада, Германия, Италия, Буюк Британия, Япония).

2. Пул-кредит сиёсати. Бунда инфляцияга қарши сиёсатдан рағбатлантириш сиёсатига ўтиш кузатилади. Унинг мақсадлари:

- – иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва кредит ресурсларини олиш имкониятини кенгайтириш;
- – дефляцияга йўл қўймаслик;
- – ички бозорни барқарорлаштириш;
- – тўлов балансини девальвация орқали барқарорлаштириш;
- – иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш.

Ушбу мақсадга қуйидаги чора-тадбирлар орқали эришилади:

- а) дефляциядан кўркиб аксарият мамлакатларда фоиз ставкасини пасайтириш (АҚШ, Канада, Европа Иттифоқи, Буюк Британия, Япония, Хитой);
- б) айрим мамлакатларда фоиз ставкаларини ошириш (Венгрия, Исландия, Россия);
- в) миллий валюта курсини пасайтириш (Исландия, Венгрия, Украина);
- г) мажбурий захира меъёрини пасайтириш (Хитой, Бразилия);
- д) иқтисодиётни кредитлашнинг янги дастакларининг пайдо бўлиши, Марказий банк томонидан давлат бюджетини тўғридан-тўғри молиялаштириш.

3.Реал секторни қўллаб-қувватлаш (талабни рағбатлантириш). Ички талаб ва ички бандликни таъминлайдиган тармоқларни қўллаб-қувватлаш. Бу сиёсат устун даражада кейнсча бўлиб, унинг учун талабга таъсир этиш чоралари хосдир. Унинг чора-тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) алоида тармоқларни қўллаб-қувватлаш: автомобилсозлик (АҚШ, Канада, Франция, Хитой); “янги” энергетика ва энергияни тежаш (АҚШ, Франция); транспорт инфратузилмаси (Канада, Франция, Хитой, Қозоғистон, Ўзбекистон); уй-жой қурилиши (Канада, Буюк Британия, Хитой,

Қозоғистон); аэрокосмик, тоғ-кон, ўрмон саноати; инновацион технологиялар (Хитой), агросаноат мажмуаси; экспорт (Хитой);

- бевосита ва билвосита солиқларни камайтириш (Германия, Франция, Швейцария, Япония, Хитой, индистон);
- в) солиқларни ошириш (Литва, Латвия);
- г) кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш (Германия, Италия, Буюк Британия, Япония, Хитой);
- д) махсус бюджет фондларини яратиш (Франция, Бразилия, Гонконг);
- е) давлатдан олинadиган қарзларнинг ортиши (Германия, Франция, Япония).

4. Аолини қўллаб-қувватлаш. Аолининг банкдан депозитларини олишига йўл қўймаслик ва жамғаришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар

- а) омонатлар бўйича кафолат суммасини ошириш (АҚШ, Канада, Италия, Буюк Британия);
- б) омонатлар бўйича 100 фоизли кафолатлар (Германия, Ирландия);
- в) иш жойини йўқотганларни қайтадан ўқитиш ва қайта мослашиш дастурларини қабул қилиш (АҚШ, Канада, Италия);
- г) пенсия фондларини миллийлаштириш (Аргентина);
- д) иш ўринларини қисқартирмаслик юзасидан бизнес билан келишувга эришиш (Германия);
- е) таълимга инвестицияларни кўпайтириш (Франция, Хитой).

Хулоса

улоса қилиб шуни айтиш мумкинки, АҚШ молия инқирозининг бошланиши ва унинг бутун жаҳонни қамраб олиши бундан 7-8 йил илгари бошланган. Молиявий бозорларда тезлик билан ривожланиб борган ипотека бозоридаги йўл қўйилган хатолар, давлатнинг бунга аамиятсизлиги ва қимматли қоғозлар бозоридаги спекулятив ўйинлар халқаро молия бозорида ўзаро боғлиқликни янада кучайтирди ва ипотека инқирози глобал молиявий инқирозга, керак бўлса иқтисодий тангликка олиб келди. озирда амалга оширалаётган чора тадбирлар фақатгина қисқа муддатли даврда аволни яшилаши мумкин. Шу нуқтаи назардан ар бир давлат молиявий кризисларга қарши ўз дастурларини ишлаб чиқиши ва стабилизацион фондларни яратиши зарур.

АҚШ бўйлаб ностандарт кредит бозорининг инқирози туфайли СДО ва МБСлардан кўрилган йўқотишлар ажми.

Шуни ам айтиб ўтиш керакки. Жорий кризисни пайдо булишида кўпроқ молия-банк тизимидагилар ва сиёсатчилар айбдор булишди. Катта корона ва банкларга рейтинг берадиган алқаро ташкилотлар, рискларни тўғри исобламасдан юқори рейтингларни бериши оқибатида одамларни молия-банк тизимига ишончи ортди. Банклар еса тугри келган кишига кредитларни берди, усусан ипотека, НИНЖНА (Но Инсومه, Но жоб, Но Ассет) ипотека кредитлари ажми ўсиб кетди.

Шундан сўнг банклар бошқа инноватсия уйлаб топди, яъни, ипотека қимматли қоозлари. Бу билан муддатида тўланмаган ва ишончсиз кредитларни (торирои рискларни) бошқа банк ва инеститсия короналарига сотди. Яқинда Обама айтган гапида жон бор еди, "Кризисга банкирларнинг аддан зиёд янги молиявий масулотларни ўйлаб топгани ам салбий таъсир кўрсатди"...

Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар орқали ал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларга қуйидагилар киради:

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва мааллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Масулот таннархини пасайтириш;
- Экспортёр корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш;
- Банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш;
- Ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган озирги шароитда экспортга масулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

– айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр масулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муим имтиёз ва преференциялар бериш

озирги вақтда ишлаб чиқаришни мааллийлаштириш дастурини амалга ошириш, 2009-2014 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш масалаларига ам катта эътибор берилмоқда.

Мааллийлаштириш дастурининг ривожланиш босқичлари Президентимиз ва укуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ушжатлар, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 93-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг 2008 йил 3 июлдаги 149-сонли қарори орқали белгилаб берилган.

2009-2014 йилларга мўлжалланган дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиалар ўз ифодасини топади.

Мазкур лойиаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш исобидан йилига 10,4 миллиард долларлик қўшимча масулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга кўпайтириш, ялпи ички масулот ажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ушжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ақида 04/05/2006
3. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 майдаги ПҚ–350-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 январдаги ПҚ–1031-сон қарори
4. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони.
5. «2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиозлаш бўйича энг муим лойиаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги ПҚ–1072-сон қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 13 февраль.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси мажлисининг қарори. 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари амда 2009 йилда иқтисодий ислоотларни чуқурлаштиришнинг энг муим устувор йўналишлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

8. Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мақамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
10. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустакам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
12. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Макамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
13. Каримов И.А. Энг асосий мезон – аёт ақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
15. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар макамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
16. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоотларни чуқурлаштиришнинг энг муим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Макамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
17. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустакамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 25 феврал.

3. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий ужжатлари

18. «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш исобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш

давлат қўмитасининг 2009 йил 20 мартдаги 01/23-18/03-сонли қарори.
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10
апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1061-1)

19.

4. Асосий адабиётлар

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
21. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш амда ислоотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.
22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
23. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х., Акбаров М. Т.: МЧЖ “РАМ-С”, 2007 й
24. Назарова Г.Г., Халилов Х., Эштаев А., Хакимов Н.З., Салихова Н., Бобожонов Б.Р. “Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ”. – Т., 2006. - 216 б.
25. Назарова Г.Г., Халилов Х., Эштаев А., Ахмедов И.А., Хакимов Н.З., Мухаммедрахимов У.Х. “Жаҳон иқтисодиёти” – Т., 2005. - 220 б.
26. Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 474 с.
27. Мировая экономика и международный бизнес: учебник / кол. авторов ; под общ. Ред. д-ра экон. Наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. Наук, проф. р.к.Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
28. Ломакин В.К. Мировая экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям / В.К. Ломакин. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 671 с.
29. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
30. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. - 248с.
31. Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. – СПб., 2003.- 492 б.
32. Кругман П. Международная экономика. 5-е изд. – СПб.:Питер. 2004. -831 б.

5. Қушимча адабиётлар

- 33.Международная бизнес стратегия. Назарова Г.Г., Адилова З.Д.,Розметова Н.Б.,Исмаилова Н.С. Т.: МЧЖ “РАМ-С”, 2007 й
- 34.Жаҳон иқтисодиёти. Назарова Г.Г.,Халилов Х.Х., Ханова И.М.,Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р. Т.: МЧЖ “РАМ-С”, 2007 й
- 35.Экономика зарубежных стран. Назарова Г.Г., Адилова З.Д.,Мухамеджанова Г.А. Т.:ТГЭУ, 2007 й
- 36.Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти. Назарова Г.Г.,Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р., Эргашев Д.Р., Султанова Н.А. Т.:ТГЭУ, 2007 й
- 37.Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлари. Хайдаров Н.Х. Т.:ТГЭУ, 2007 й
- 38.Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.

6. Газета ва журналлар ва Статистик маълумотлар тўпламлари

- 39.Халқ сўзи. Газета. 2004-2009 йй. сонлари
- 40.Правда Востока.Газета. 2004-2009 йй. сонлари
- 41.Экономическое обозрение. Журнал. 2004-2009 йй. Сонлари
- 42.Узбекистан в цифрах 2008. Статистический сборник. – Т.: Статистика, 2009.
- 43.ЎзР Давлат статистика маълумотлари. 2007-2009 йй.

7. Интернет сайтлар

- 44. www.gov.uz
- 45. www.tsey.uz
- 46. www.cer.uz
- 47. www.review.uz
- 48. www.bucinesspress.ru

Иловалар


Германия кредит бозори структура ва динамика кўрсаткичлари 2006 – 2008йй. Млрд. евро.

	2006 г.	2006/2005 , %	2007 г.	2007/2006, %	2008 г.	2008/2007 , %
Кредит мажуриятлари	3777,6	101,9	3884,0	102,8	3979,4	102,5
Қисқа муддатли	466,3	103,2	556,1	119,3	537,3	96,6
Ўрта ва узоқ муддатли	3311,3	101,7	3327,9	100,5	3442,1	103,4

Рис. 1 Фазы экономического цикла⁶

⁶ Источник: <http://worldcrisis.ru>

Кризисная цепочка



11

Изменение на мировых рынках цен по основным экспортным товарам в течение 2008 – начала 2009 годов⁷

Наименование товара	Максимальная цена	Минимальная цена	Изменение цены
Медь	9069	2770	- 69%
Золото (за тройскую унцию)	1011,3	713,5	- 29%
Уран	162655	75104	- 54%
Черные металлы	1090	480	- 56%
Хлопок-волокно	1984	1102	- 44%
Пряжа хлопковая	2230	1603	- 28%
Аммиачная селитра	513	139	- 73%
Карбамид	820	212	- 74%
Молибден	79125	18810	- 76%

⁷ Материалы научно-практической конференции «Эффективность антикризисных программ и Узбекистана»)» г. Ташкент, 12 апреля 2010 г.

Англия банки базавий ставкасининг ўзгариш динамикаси

